ОҲАНГАРОН СУВ ОМБОРИ ТЎҒОНИГА КЎЧКИ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТАЪСИРИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Д. Т. Қодиров
Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти докторанти
dilmurod.qdt@mail.ru

С. Б. Кадиров
Талимаржон сув омборида фойдаланиш ва таьмирлаш буйича мухандис
mirsadulloxoja.kadirov@mail.ru

М. Р. Шербаев
Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти докторанти
murod709@mail.ru

Р. А. Эрманов
Ўз. Рес. Сув хўжалиги вазирлиги Аҳборот-таҳлил ресурс маркази Аҳборот-таҳлил бўлими бош мутахассиси
raxmatulla87@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Оҳангарон сув омборининг иқлими, вазифаси, лойиҳавий кўрсатгичлари, Оҳангарон сув омборидан фойлаланишда иншоотларнинг хавфсиз ва ишончли ишлашини таъминлаш мақсадида силжишлар ва чўкишларни аниқлаш учун ўрнатилган назорат-ўлчаш асбобларининг бугунги кундаги ҳолати бўйича олиб борилган дала кузатув тадқиқотлар натижалари келтирилган. Янада кенгроқ ёритиб айтадиган бўлсак, Оҳангарон сув омборидаги иншоотларнинг статик турғунлигини кузатишда муҳим аҳамиятга эга бўлган геодезик белгилар, уларнинг вазифалари, эксплуатация қилинаётган даврдаги ҳолати, Юқори-Турк кўчкиси бўйича геодезик белгилардан олинган тадқиқот натижалари, геодезик белгиларда аниқланган носозликлар ва уларни ўз вақтида тузатиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар ҳамда хулосалар берилган.

Калит сўзлар: Сув омбори, физика, математика, озиқ-овқат, гидротехника.